Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

30-ИИЛ ЧИҚИШИ | № 63 (4779), | 30 март, 1973 йил, ЖУМА | Баҳоси 2 тийин

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Коммунистик партия оммани марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги ва коммунистик анъаналар руҳида тарбиялашга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Улуғ Ленининг омма ўртасида ғоявий-сиёсий-тарбиявий иш олиб боришдаги доҳиёна кўрсатмалари партиямиз фаолиятида асосий йўлланма бўлиб, идеология ишларининг янги форма ва методлари билан тобора такомиллаштириб борилмоқда.

— Идеология, пропаганда ва оммавий агитация иши — партия фаолиятининг муҳим ва масъулиятли соҳасидир,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетнинг партия XXIV съездига қилган ҳисобот докладида.— Бу соҳада кўпгина иш қилинди. Аммо шуни айтиш керакки, биз бу соҳадаги ишнинг аҳволидан ҳали тўла қаноатланаётганимиз йўқ. Марказий Комитет бутун идеология ишимизни кучайтириш ва аввало, коммунистик идеалларни, қурилишимизнинг конкрет вазифаларини активроқ бир мақсадни кўзлаб пропаганда қилишни зарур деб ҳисоблайди. Съездимиз қарорларининг моҳияти ва аҳамиятини меҳнаткашларга кенг кўламда тушунтириш яқин давр ичида партиянинг пропаганда ва оммавий агитация ишида марказий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Кенг меҳнаткашлар оммасига ғоявий эътиқодимизнинг бутун кучини тўла етказишда чинакам маҳорат кўрсатиш, совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялаш ишига чинакамига, ҳақиқатан ижодий ёндошиш, — бу соҳадаги асосий вазифаларимиз ана шулардан иборатдир.

Партия ташкилотларининг идеология соҳасидаги фаолиятининг кенг программасини белгилаб берган КПСС XXIV съездидан сўнг жойларда, шу жумладан областимизда идеология ишларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Бутун эътибор меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни мамлакатимиз сиёсий ва ишлаб чиқариш ҳаётидаги активлигини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш, омма ўртасида олиб бориладиган ғоявий-сиёсий ишлар савиясини юксалтириб, партиямиз томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилди.

Партия ташкилотлари идеология ишининг замон талабларига мос бўлишига, ҳар бир меҳнаткаш билан жонли иш олиб боришга, коллективда меҳнат тарбиясини кучайтириш, оммани янги коммунистик анъаналар руҳида тарбиялашга, фан-техника революциясининг моҳиятини, истиқболларини ва социал оқибатларини тушунтиришга, илмий-техника билимларини, илғор тажрибалар ва иқтисодий билимларни кенг пропаганда қилишга, кишиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ва бу соҳада ажойиб мактаб бўлган социалистик мусобақани янгича шакллантиришга жиддий аҳамият бермоқдалар. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, муассаса ва ташкилотларда идеология ишларини олиб боришда янги-янги методлар, шакл ва усуллар кенг ривож топмоқда. Идеология иши партия ташкилотлари кундалик ва перспектив фаолиятининг мазмунини ташкил этмоқда. Юзларча пропагандист, агитатор, снёсий ахборотчи ва снёсий ташкилотчилар билан бир қаторда меҳнаткашлар ўртасида ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларни олиб боришда партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари ҳам бевосита қатнашмоқдалар. Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари ва областимизнинг бир қанча районлари партия комитетлари меҳнаткашларни, кадрларимизни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш, уларнинг иқтисодий билимларини такомиллаштириш соҳасида авчагина ишларни амалга оширдилар. Тошкент авиация заводи, Октябрь революцияси, «Ташсельмаш» заводлари, айрим колхоз ва совхозларда снёсий ўқиш машғулотлари, семинар ва қисқа муддатли курслар шу кунининг муҳим масалалари билан бевосита боғланган ҳолда олиб борилмоқда.

Партиямиз Марказий Комитети беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилидаги юксак вазифаларни белгилар экан, бу вазифаларни бажаришда идеология ишлари савиясини, айниқса унинг самарадорлигини ошириш ғоят муҳим эканлигини алоҳида уқтириб кўрсатмоқда. Партия XXIV съездининг, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини бажариш, Л. И. Брежневнинг СССР эллиги йиллиги тўғрисидаги докладида баён қилинган хулоса ва қоидаларни амалга ошириш ҳозирги пайтда идеология ишининг энг муҳим вазифасидир. Кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни шакллантириш, уларни марксизм-ленинизм ғояларига чуқур эътиқод руҳида, Коммунистик партия ишига, коммунизм идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш партия амалга ошираётган бутун ғоявий-тарбиявий ишнинг мазмуни. Республика партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши ва область партия активи идеология ишини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш масалаларига бағишланди. Бу йиғилишларда Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади муносабати билан ғоявий-снёсий ишлар ва меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашни янада кучайтириш соҳасидаги вазифалар белгилаб берилди.

Партия ташкилотлари, ғоявий фронт ходимлари Марказий Комитет кўрсатмаларига амал қилиб, идеология ишларини кучайтиришда бир мунча ишлар қилаётган бўлсалар ҳам, лекин баъзи жойларда бу масалага етарли эътибор берилмаётир. Снёсий-ғоявий ва тарбиявий ишлар билан чуқур ва атрофлича шуғулланиш ва унинг самарадорлигини ошириш ўрнига, бу ишда қанча лекция ва докладлар ўқилганлигини, қанча суҳбатлар ўтказилганлигини, пропагандист, агитатор ва снёсий ташкилотчиларнинг сони қанчалигини асос қилиб олмоқдалар. Баъзи жойларда илмий атеистик пропаганда, ўтмиш сарқитларига қарши жанговар иш олиб бориш, янги урф-одатлар ва анъаналарни жорий этишга кампаниячилик билан қараб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам идеология ишининг таъсирчанлиги, тарбиявий ва сафарбар этувчилик кучи мўлжалланган мақсадга кўпинча бориб етмайди.

Янгийўл райони, Тошкент шаҳрининг айрим районлари, корхона ва муассасаларда атеистик пропаганда, аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш, илмий-снёсий билимларни пропаганда қилиш кўнгилдагидек олиб борилмаётир. Ишлаб чиқариш коллективлари ва айрим корхоналарнинг идеология ишларини ташкил этишдаги тажрибалари оммалаштирилмаётир.

Идеология ишининг самарадорлиги — унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишлар натижаси ва партиямиз томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишимиз билан белгиланади. Кишиларни ғоявий-снёсий ва ахлоқий тарбиялаш, умуман идеология ишлари яхши йўлга қўйилган жойларда революцион ғайрат-шижоат, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, юксак онглилик, уюшқоқлик, интизом ва социалистик инсонпарварлик хислатлари юксак бўлади ва камол тонади. Аксинча, идеология ишлари замон талаблари ва коллектив фаолияти билан боғлаб олиб борилмаган жойларда ишлаб чиқариш кўрсатгичлари кўнгилдагидек бўлмайди, давлат интизомини бузиш ҳоллари учраб туради. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган ва социализмга ёт бўлган сарқитлар, кўринишлар содир бўлади. Бу эса умумий ишимизга бир мунча салбий таъсир этади. Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек,— биз ариқларда сув ўрнига сут ва шарбат оқадиган ишёқмаслар салтанатини кураётганимиз йўқ, аксинча биз инсоннят тарихида энг уюшқоқ, энг меҳнатсевар жамият қурмоқдамиз, бу жамиятда энг меҳнатсевар ва ҳалол, уюшқоқ ва юксак даражада онгли кишилар яшайдиган бўлади.

Омма ўртасида снёсий-тарбиявий ва ғоявий ишларни олиб боришда агитация ва пропаганданинг барча турларидан кенг фойдаланишимиз, айниқса кўргазмали агитация воситаларининг таъсирчанлигига эришишимиз лозим. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, экономика ва маданиятни ривожлантиришда матбуот, телевидение ва радио ходимлари катта роль ўйнашлари ва бу соҳада партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

КПСС XXIV съезди, Марказий Комитетнинг декабрь Пленуми қарорларида халқимиз, мамлакатимиз олдига қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун идеология ишлари савиясини, айниқса унинг самарадорлигини оширайлик. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш ишларини янада яхшилайлик.

БИРИНЧИ КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Тошкент области ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари беш йиллик учинчи ҳал қилувчи йили планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 29 март куни 1973 йилнинг маҳсулот реализация қилиш ҳажми ҳамда энг муҳим буюм турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартали планини муддатидан илгари бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилинади.

ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИ ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА

«Ленинград» совхози Бекобод районидаги қўриқ ерларда ташкил қилинган янги хўжаликлардан. Совхозда пахтачилик ва чорвачилик билан бирга ғаллачилик ҳам кенг ривожланмоқда. Хўжалик ғаллакорлари бу йил 2675 тонна дон етиштиришга, шундан 980 тоннасини давлатга сотишга аҳд қилганлар.

Баҳорги дон экиш совхозда қисқа муддат ичида сифатли ўтказилди. 1000 гектар ерга оғирдой, 200 гектар ерга арпа экилди. 8 та дон сеялкаси бетўхтоб ишлади. Кунига совхоз бўйича 100—120 гектар ерга уруғ сепилди. Акбар Султонов, Жиян Ниятқулов, каби механизаторлар бу ишда алоҳида ғайрат кўрсатиб ишладилар.

Шу кунларда кузда экилган арпа ва буғдой экиларини парваришлаш қишин қизғин бошлаб юборилди. Совхозда механизаторларнинг унумли ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

◆ ДИНА НУҒМОНОВА Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхозининг илғор сут согувчиларидан бири ҳисобланади. У кундалик сут согиш нормасини бир ярим-икки баравар бажармоқда. Суратда: Д. Нуғмонова.

Х. АВВАЛОВ фотоси.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

ТЎҚҚИЗИНЧИ беш йиллик планнинг муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдираётган Ангрен керамика комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва ҳизматчилари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

Коллектив 2 миллион 837 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, биринчи квартал планини ошириб адо этди. Илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли меҳнат унумдорлиги анча ортди.

Комбинат аҳли ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ой охиригача планга қўшимча равишда 10 минг квадрат метр метлах плиталари, 5 минг квадрат метр пештоқ плиталари, жами 370 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

ИИЛ бошидан социалистик мусобақани авж олдириб юборган Тошкент шиша-тара заводи коллективи ҳам биринчи квартал планини ошириб адо этди.

Корхона коллективи ой охиригача планга қўшимча 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берди.

Ш. ШОАЛИМОВ.

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз механизаторлари об-ҳавонинг ҳар бир қулай дақиқасидан унумли фойдаланиб, чигит экишни бошлаб юборишди. Шу кеча-кундузда азамат механизаторлар чигитни агротехника қоидаларига мувофиқ тез ва сифатли экиш учун бутун маҳоратларини ишга солишмоқда. Хўжалик пахтакорлари бу йил 1030 гектар майдонда пахта етиштирадилар. Дастлабки муваффақият чигитни ўз вақтида ва сифатли экишдан иборат. Бунга яхши тушунган механизаторлар бутун куч ва ғайратларини ана шунга қаратганлар. Суратда: чигит экиш пайти.

Г. Пўн фотоси. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚАДОШЛАР УЧРАШГАНДА

Районларда мусобақадош хўжаликлар олинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан, ўзаро текшириш ўтказмоқдалар. Бир-бирларининг ишларини кўздан кечириб яхши, ибратли тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар, йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб дўстона танқид қилмоқдалар. Бўка районидаги мусобақадош «Коммунизм» колхози билан «Ленинизм» колхозларининг ўзаро текширишлари диққатга сазовордир.

Маълумки, «Коммунизм» колхози аъзолари ўтган хўжалик йилини самарали якунладилар. Пахта ҳосилдорлиги пландагидан 7 центнер ошириб 29 центнергача етказилди. Т. Сайдиев, Ғ. Ғафуров, Б. Холиқулов бошлиқ бригада аъзолари 30—33,5 центнердан ҳосил етиштирдилар.

Колхозда план бажарилмаган соҳа қолмади. Сут 243, гўшт 143 процент адо этилди. Колхоз чорвадорлари гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 487 килограммданга тўғри келди.

Колхозчилар юқори даромад олдилар. Ёз бўйи ишлаган ҳар сўм эвазига йил охирига бориб ўртача ҳисобда 68 тийиндан қўшимча ҳақ тўланади. Илғорларга эса ҳар сўмига 1 сўм 10 тийиндан тўланади. А. Шодмонов, П. Имомов, Х. Асқаров, С. Исроилов, И. Саримсоқов, Х. Каримов, С. Рўзиқулов, Б. Холиқулов, сингари колхозчиларнинг ўртача ойликлари 238—298 сўмга тўғри келди.

Бироқ, «Ленинизм» колхозида аҳвол бошқача. Пахтачилик бўйича халқ хўжалик плани бажарилмади. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 19 центнерданга тўғри келди холос. Хўжалик умуман иқтисодий жиҳатдан заифлашиб қолган.

Шу икки хўжаликда ўзаро текшириш ўтказилди. «Коммунизм» колхозидан келган мусобақадошлар кўкламга тайёргарлик ишлари ва идора ходимларининг меҳнат фаолияти билан танишдилар. Натижада колхознинг иқтисодий жиҳатдан заифлашиб қолиши сабаблари маълум даражада очила борди. Колхоз ишига ёрдам бермайдиган ҳайбаракаллачилар кўпайиб кетганлиги аниқланди.

Колхозда зарурат бўлмаган ерларга ҳам қоровуллар тайинланиб ҳақ тўлана берган. Масалан, бригада қоровуллигига 13 киши, дала қоровуллигига 16 киши, шийпон қоровуллигига 10 киши ажратилган. Колхозга бунча қоровулнинг нима кераги бор? Яна штатдан ташқари омбор мудирлари, механиклар, агрономлар ҳақ олиб ётибди.

«Коммунизм» колхозида 600 гектар ерда 1 агроном, «Ленинизм» колхозида 1300 гектар ерда 3 агроном хизмат қилмоқда. «Коммунизм» колхоз идорасида 6 киши, «Ленинизм» колхозида 15 киши ишлайди. Бу фактлардан «Ленинизм» колхозида штатларни кенгайтиришга, бекорчи, ҳайбаракаллачиларни кўпайтиришга зўр берилгани яққол кўриниб турипти.

Агар етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини штатдаги ходимларга тақсимланса, бу одамларни колхозга қанчалик «фойда» келтираётганликларини очиқ кўриш мумкин.

«Коммунизм» колхозидан келган мусобақадошлар «Ленинизм» колхозида тахминий ҳисобга кўра керак бўлмаган штатдаги одамларга бир йилда 33 минг сўм тўланаётганини кўрсатдилар. Бу маблағ бир бригаданинг йиллик даромадига тенг келади.

Мусобақадошлар дала ишларининг борищи, ҳайдалган ерларнинг сифатини ҳам кўздан кечиришди. Кўпгина ерлар сифатсиз ва саёз ҳайдалган. Карта четларида ерлар қолиб кетган. Штат кўпу, қилинган ишларнинг унумини кўздан кечирадиган одам йўқ.

«Ленинизм» колхозида транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, ҳамма бригадаларга биттадан тележка, айримларига автомашина биркитиб қўйилган. Бундай аҳволда транспорт воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиб бўлмайди. Узоқ бригадаларга одам олиб бориш ва олиб келиш учун эрталаб ва кечқурун машина керак. Қолган вақтда машина керак эмас. Лекин бу ҳисобга олинмаган.

«Коммунизм» колхозидан келган мусобақадошлар колхоз активи йиғилишида сўзга чиқиб аниқланган камчиликларни, очиб ташладилар, ноўрин қилинаётган ҳаражатларни, кераксиз штатлар борлигини бирма-бир кўрсатиб ўтдилар.

«Ленинизм» колхозининг правление аъзолари бу мусобақадош дўстлар кўрсатган камчиликларни тан олдилар.

— Биз, — дейди «Ленинизм» колхозининг янги раиси Абдуразоқ Қурбонқулов, — мусобақадошларимиз кўрсатган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш чораларини кўрамиз, ишда кескин бурилиш ясаймиз, пахта ҳосилдорлигини ошириш йўлида барча чора ва тадбирларни амалга оширамиз.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ ЖАНГОВАР ОТРЯДИ

Умумармия партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши 29 мартда катта Кремль саройида ўз ишини тамомлади. Кенгашда Қуролли Кучлар барча турлари ва қўшин турларининг, чегара қўшинлари ва ички қўшинларининг вакиллари иштирок этдилар.

Кенгаш ишида Ф. Д. Кулаков, М. А. Суслов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар иштирок этдилар.

Умумармия партия ташкилотлари секретарларининг кенгашига КПСС Марказий Комитетининг табрикномасини коммунист жангчилар қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Бу ҳужжатда Советлар мамлакати барча жангчиларининг жанговар меҳнатига юксак баҳо берилган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев имзолаган табрикномада Қуролли Кучларда олиб борилаётган партиявий-снёсий ишларнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Кенгаш қатнашчилари СССР Мудофаа Министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко билан Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош Снёсий Бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишевнинг Қуролли Кучларда олиб борилаётган партиявий снёсий ишларнинг актуал проблемаларига бағишланган докладларини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Умумармия партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига мактуб қабул қилди.

(ТАСС).

МАРРА—40 ЦЕНТНЕР

Далаларда баҳор нафаси кезиб юрибди. Қулай фурсатдан фойдаланган Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхози деҳқонлари баҳорги ишларни қизиштириб, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини тугалладилар, қўкаламзорлаштириш ишлари ҳам яхши амалга оширилди. 20 минг кўчат ўтказилиб бўлинди. Яна 10 минг туп кўчат ўтказиш мўлжалланмоқда. 493 гектар ер бороналаб қўйилди. 300 гектардан кўпроқ ер текисланди. 1500 тонна маҳаллий ўғитдан 640 тоннасидан кўпроғи далаларга солинди.

Дала ишлари Қаршибой Эгамназаров, Исмоил Иброҳимов, Мирза Маъзумов бошчилик қилаётган бригадаларда яхши ташкил қилинган. Механизаторлардан И. Тўраев, А. Аҳмедов, К. Ҳасанбоев, А. Каримқулов чигитни муддатидан илгари сифатли экиш учун ҳамма тайёргарликни кўриб қўйдилар.

Колхоз аҳлининг бу йилги режалари катта. Тўққизинчи беш йиллиннинг учинчи йилини 40 центнерлик хирмон билан якунлашмоқчи.

Ваъда — вафоси билан гўзал, — дейди колхоз агрономи Абдулла Азаматов. — Биз ваъдамизни амалий иш билан оқлаймиз. Ўйлаймизки, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак, кўзлаган маррага албатта етамиз.

М. ҚОДИРОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР КАТТА КУЧ

Карл Маркс номли колхозда тўқизинчи бешйилликнинг иккинчи йилида 1217 тонна картошка, 228 тонна мева, 265 тонна узум ҳосили йиғиб олиниб, юбилей шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди. Бу улкан муваффақиятларда колхозда меҳнат қилаётган 650 колхозчининг, шу жумладан ишлаб чиқаришда катта куч бўлган 291 хотин-қизнинг муносиб ҳиссаси бор.

КПСС аъзоси Ҳанифа Пернебоева 11-бригадага икки йилдан бери бошчилик қилиб, бу коллективни қолоқликдан илғорликка кўтарди. Бригада аҳли юбилей йилида ҳар гектардан 320 центнердан сабзавот, 145 центнердан картошка ҳосили йиғиб олди. Бригада аъзолари тўқизинчи бешйилликнинг учинчи йилида ўтган йилги мувафақиятларни янада мустаҳкамлаш тадбирларини кўришмоқда. Далага маҳаллий ўғит чиқаришяпти. Паркнда сара кўчат етиштиришяпти.

—Хотин-қизлардан раҳбарликка кўтариш ўз самарасини бермоқда, — дейди колхоз хотин-қизлар Советининг раиси Сония Маҳмудхўжаева. — Ҳанифа Пернебоевани бригадирликка тавсия қилганимизда айрим ўртоқлар «Қолоқ бригадани бошқара олармикан?» деган гумонга тушишди. Амалда эса бошқача бўлди. Икки йилдан бери Ҳанифа 11-бригадага бошчилик қилиш билан бирга табелчи — сифат инспектори вазифасини ҳам бажаряпти.

Коммунист хотин-қизлар ишлаб чиқаришда активлик кўрсатиб, колхоз партия комитети ва правлениеси ишончини муваффақиятли оқлашмоқда. Область Советининг депутати Муҳаббат Зуфарова 2-бригадада, Фарида Муқимова эса 1-бригадада сифат инспектори вазифаларида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. КПСС аъзоларидан Зоҳида Ашурова 9-бригада, Раъно Сулаймонова 2-бригадада ҳаммага намунадирлар. Далачиликда катта куч бўлган хотин-қизлар ҳалол меҳнатлари билан колхоз экономикасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Жамоат чорвачилигини юксалтириш учун курашда хотин-қизларнинг улуши бениҳоядир. Райондаги Ильич номли колхознинг сут соғувчиси Муътабар Умматованинг ташаббусига биринчилар қаторида қўшилган Арзиной Йўлдошева юбилей йилида ўз боқимидаги 18 бош сигирнинг ҳар биридан 4400 литрдан серқаймоқ сут соғиб олди. Коммунист Арзиной Йўлдошеванинг сафдошларидан Софья Боришова эса ўз қарамоғидаги ҳар бир сигирдан 4050, Зуҳра Йўлдошева 3800 литрдан сут соғишиб, СССР ташкил этилган кунинг 50 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишди. Дугоналар сифатли ва кўп сут соғиб олиш билан чегараланишмади. Ҳар бир сигирдан биттадан соғлом бузоқ ҳам олишиб, қорамоллар туёғини қўпайтиришга муносиб ҳиссаларини қўшишди. Шу боисдан ҳам колхоз бўйича 1972 йилда пландаги 673 тонна ўрнига 840 тонна сут ишлаб чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қиш даврида ҳам чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини янада кучайтириш тўғрисидаги қарорига жавобан колхоз чорвадорлари фидокорона меҳнат қилишмоқда. 17 хотин-қизнинг ҳаммаси мусобақада активлик кўрсатиб, сут соғиб олиш суръатини асло сусайтирмаётирлар.

Колхоз хотин-қизлар Совети хўжалик ишлаб чиқаришда аёллар ва қизларнинг ролини оширишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқда. Совет составига киритилган 11 аъзодан 8 киши коммунистлар бўлиб, улар ўз секцияларида жамоат ишларини бажаришда фаоллик кўрсатишяпти. Мактабгача тарбия секцияси бошлиғи, КПСС аъзоси Ҳури Ризаева колхоз болалар боғча-яслиси мудирасидир. Ўрток Х. Ризаеванинг ташаббуси билан ёзги мавсумда колхознинг уч участкасида болалар боғчаси очилиб, кўп болали оналардан 150 киши дала ишларига жалб этилди.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш секцияси бошлиғи, КПСС аъзоси Ўрток А. Йўлдошеванинг фаоллиги туфайли фермада чорвадорларнинг маданий дам олиши учун етарли шароит яратилди. Бу ерда қизил бурчак ташкил этилиб, радио, газета-журналлар билан таъминланди. Г. Тожибоева, Г. Тешабоева, М. Зуфарова ўртоқлар бошчилик қилаётган секциялар ҳам хотин-қизларнинг унумли ишлаши, маданий дам олишига зарур шароитларни яратиб бермоқда.

Коммунист, комсомол ва партиясиз хотин-қизлар колхозчилар орасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда ҳам актив фаоллик кўрсатишмоқда. Коммунистлардан Ҳафиза Ҳожиакбарова, Фарида Аъзамова, ВЛКСМ аъзоси Зоҳида Дўсматова ва бошқалар ўзларига биркитилган бригада ва участкаларда сиёсий ахборотчилик қилишяпти. Колхоз оммавий-сиёсий ишлар совети, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг СССР 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўрток Л. И. Брежнев қилган докладни пухта ўрганиш ва колхозчилар онгига етказиш бўйича сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчилар семинарини ташкил этди. Бунда сиёсий агитацияда катта куч бўлган жамоатчи хотин-қизлар ҳам қатнашмоқда.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги хотин-қизлардан 26 кишининг ҳаммаси хўжалик экономикасини юксалтириш, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда зўр ғайрат кўрсатяпти. Ҳозирги кунда 1973 йил мўл ҳосили учун замин яратилмоқда. Колхоз парник хўжалигида хотин-қизлардан 40-50 киши меҳнат қилаётир. Карам, помидор, бақлажон - уруғларини сепишга ўралар ҳозирланиб, похолдан матолар тўқилмоқда.

Карл Маркс номли колхоз партия ташкилоти ва правлениеси ишлаб чиқаришда катта куч бўлган хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилиши ва маданий дам олишига етарли шароит яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам барча колхозчи хотин-қизлар меҳнат минимумларини бажаришиб, хўжалик экономикасини юксалтиришда муносиб ҳиссаларини қўшиб келишаётир.

А. КУРБОНОВ,
Калинин район партия комитетининг инструктори.

ҲАР СОҲАДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

Тежамкорлик — коммунистик хислат, деб бежиз айтмаган халқимиз. Ҳар ишда иқтисодий тежамкорликка амал қилиб, материаллар, хом ашё ва пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш ҳақиқатан ҳам олижаноб хислатдир. Бу билан кўплаб давлат маблағини иқтисод қилиш, ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи-хизматчининг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш имкони вужудга келади. Шунинг учун ҳам экономиканинг барча соҳаларида қатъий тежамкорликка амал қилиш катта аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорида кам маблағ ва меҳнат сарфлаган ҳолда кўпроқ, яхши сифатли маҳсулот тайёрлаш, бунинг учун эса барча корхоналар ва ташкилотларда тежамкорликни кучайтириш, ишчи-хизматчиларнинг куч-ғайрати ва ижодий изланишини хом ашё, материал, электр энергияси, ёқилғини бутун чоралар билан иқтисод қилиш ва унинг эвазига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришга сафарбар этиш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Айрим саноат корхоналари коллективларининг фаолияти ҳамма жойда иқтисодий тежамкорликни кучайтириш учун битмас-туганмас резервлар ва имкониятлар борлигини яққол кўрсатиб турибди. Масалан, ўтган йили тежамкорлик кўригига қўшилган Тошкентдаги канап фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бу соҳада қўлга киритган ютуқлар анча салмоқли бўлди. Коллектив иқтисодий режимга қатъий амал қилиш, технологияни тинмай такомиллаштириш, қатор ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, материаллар ва хом ашёларнинг сарфланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш туфайли йил давомида 300 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара кўришга муваффақ бўлдилар. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг ижодий изланиши, ғайрат-шижоати туфайли 181 тонна хом ашё иқтисод қилинди. Шунинг ўзидан 295 минг сўмлик қўшимча фойда олинди. Бошқа материалларни тежашда эришилган ютуқлар ҳам чакки бўлмади. Фақатгина электр энергиясининг ўзидан 14,2 минг киловатт-соат иқтисод қилинди. Тежалган ёқилғи миқдори 33 тоннадан кўпроқни ташкил этди.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишга жамоатчилик асосида ишловчи қатор ташкилотлар катта ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Фабрикада ташкил этилган иқтисодий анализ, технологик бюролари ва бошқа шу каби жамоат ташкилотлари аъзолари ишлаб чиқаришнинг бошқа муаммолари қатори материаллар ва хом ашёларни тежашга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар билан чиқдилар. Уларни амалга ошириш корхонага кўп миқдорда фойда келтирди.

Фабрика йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришининг жамоатчилик асосида ишловчи технологик бюроси фаолияти салмоқли бўлди. Бюро аъзолари корхонага янги келаётган асбоб-ускуналарни рационал жойлаштириш, ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш масалалари билан муттасил шуғулландилар. Йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришда канопнинг ноёб бўлишини камайтириш билан боғлиқ бўлган тақдиқот ишларни олиб бордилар. Ишга туширилган замонавий асбоб-ускуналар қувватини тўлароқ ўзлаштиришга кўмаклашдилар.

Корхона бош механиги бўлими ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик асосида ишловчи технологик бюро аъзолари эса металл, электр энергияси, ёқилғини тежаб-тергаб сарфлашга оид кўпдан-кўп тадбирларни амалга оширдилар. Улар, айниқса, қимматбаҳо рангли металлар ва чўяндан тайёрланилган деталларни капрондан яратиш соҳасида дуруст ишлар қилишди. Деталларнинг чидамлигини оширишга қаратилган тадбирлари катта наф берди. Уларнинг таклифи билан металл деталларининг хромлаштириш участкаси ташкил этилди. Бу ишлаб чиқариш ҳаражатларини ўнларча минг сумлик камайтириб, кўплаб металлни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Корхонанинг жамоатчилик асосида ишловчи иқтисодий анализ бюроси хом ашё ва материалларидан фойдаланишни яхшилаш билан муттасил шуғулланди. Унинг ҳар ўн кунда бир марта мажлиси бўлиб, уларда хом ашёдан фойдаланиш ҳамда сарф қилинган толанинг нархи анализ қилиб турилди. Бу изланиш натижасида хом ашё ва материалларнинг ортиқча сарфланишига олиб келаётган жуда кўп сабаблар аниқланди ҳамда улар бартараф этилди. Чунки, бюро ўз таҳлилларн натижасини цехлар ва бўлимлар бошлиқлари, мастерлари эътиборига ҳавола қилди. Айни вақтда хом ашёни сарфлашни камайтириш йўллари ҳам кўрсатилди. Сўнгра бюро аъзолари ўзлари белгиласган тадбирларнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида қандай амалга оширилаётганлиги устидан доим назорат қилиб турдилар. Бу белгиланган аксарият тадбирларнинг муддатида амалга оширишга олиб келди.

Тошкент трикотаж фирмасида ҳам ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш ва иқтисодий режим кўриги юксак савияда ўтмоқда. Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бу кўрикнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи онгига сингдириш юзасидан қатор ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга оширдилар. Тежамкорликда яхши натижаларга эришган коллективлар, бригадалар, айрим ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Шу туфайли фирма чеварлари кўрикда фаол иштирок этдилар. Меҳнат шароитини яхшилаш, маҳсулот сифатини, меҳнат унумдорлигини ошириш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш ва бошқа шу каби муҳим иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга қаратилган таклифлар билан чиқишди.

Кўрик давомида ҳаммаси бўлиб 130 га яқин таклиф тушди. Бунинг 98 таси амалга оширилди. Бунинг эвазига кўрилган иқтисодий самара 134 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Фақатгина толанинг ўзидан 75 минг сўмлик тежаб қолинди. Электр энергиясининг сарфланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлиги, корхона энергетика хўжалигини такомиллаштириш юзасидан кўрилган чоралар натижасида 70 минг киловатт-соатга яқин ҳаётбахш нур иқтисод қилинди. Ана шу қувват ёрдамида минглаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Фирмада ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қайта фойдаланишни йўлга қўйиш соҳасида кўрилган тадбирлар эътиборга сазовордир. Бир вақтлар чиқинди деб ташлаб юборилиадиган лахтак материаллар эндиликда турли-туман кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Кўрик давомида фақатгина ана шу йўл билан 168 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди ҳамда савдо шохобчаларига етказиб берилди.

Корхонада меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш мақсадида олиб борилган ишлар натижаси ҳам дуруст бўлди: асбоб-ускуналарнинг сменалар алмашиш вақтида бекор туриб қолиши салкам 5 минг киши-соат камайди. Тежалган қимматли иш вақти ичида қўшимча кўплаб трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилди.

Корхоналар коллективлари иқтисодий тежамкорлик ва ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш кўригининг бундан буён ҳам давом эттиришга қарор қилдилар. Улар тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида хомашё ва материалларни иқтисод қилишда ўтган йили қўлга киритилган ютуқлардан ҳам салмоқлироқ натижаларга эришиш режаларини тузишди.

М. МАҲМУДОВ.

«ТЕЗ, АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ». Пойтахтимиздаги «Ташкенткабель» заводининг коллективи тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда. Бу борада электр кабеллари ишлаб чиқарувчи 20-цех ишчилари кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Суратда: илғор цех мастери Носир СОБИРЖОНОВ (чапда) ва ишчи Улуғбек МУҲАММАДХУЖАЕВЛАР тайёрланаётган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

БИР КОРХОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

НАФИС ВА ЧИДАМЛИ

Тошкент тўқимачилик комбинати ишлаб чиқараётган газламаларнинг сифати яхшиланиб, хиллари кўпайиб бормоқда. Ҳозир савдо корхоналарига яна бир янги турдаги газлама юборилянти. Унинг номи — «Янгилик».

«Янгилик» аввало нафис кўриниши билан киши диққатини тортади. Шу билан бирга, енгил ва чидамлилиги билан ҳам фарқ қилади. У яқинда ишга туширилган янги моделли тўқув станокларида ишлаб чиқарилмоқда.

Харидорга тезда манзур бўлган бу ёзги газламадан биринчи кварталда 450 минг метрни савдо тармоқларига жўнатилади.

МОКИСИЗ ТЎҚУВ СТАНОКЛАРИ

Тўқув станокларининг шоҳчинини камайтириш шу пайтгача мутахассисларни ўйлантириб келаётган энг муҳим масалалардан бири. «АТПР—100» маркали пневморапирли янги тўқув станоклари мана шу вазифани маълум миқдорда енгиллаштирди.

Комбинат 2-тўқув фабрикасининг 2-цехида янги станокларнинг сони 104 тага етказилди. Уларнинг ҳар бири соатига 10 метргача газлама ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу, олдинги станокларга нисбатан икки-уч метр ортиқ, демакдир. Мокисиз станокнинг яна бир фойдали томони — зарядчининг меҳнати талаб қилинмайди.

Янги станокни бошқариш қулай, ташқи кўринишн ҳам эскисидан кескин фарқ қилади. «АТПР—100» саноат эстетикасининг барча талабларига жавоб беради.

ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА УНИВЕРСИТЕТИДА

Тўқимачилар маданият саройида турли тўгараклар, студиялар мунтазам ишлаб турипти. 1972 йил баҳорида ташкил қилинган эстетика ва этика халқ университетининг фаолияти ҳам диққатга сазовор. Университетда лекцияларни санъатшунослар ҳамда олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ўқишмоқда. Жумладан, «Марксча-ленинча эстетика фан сифатида», «Ҳаёт ва санъатда гўзаллик» мавзуларидаги лекциялар айниқса қизиқарли ўтди.

Яқинда навбатдаги машғулотда санъатшунос Н. Зининанинг «Эстетик дид ва уни тарбиялаш» мавзуидаги суҳбати тингловчиларда зўр қониқиш ҳосил қилди. Суҳбатдан сўнг Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчилари Гайдн ва Моцарт сонатларини ижро этишди.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Ҳақли равишда деҳқоннинг иккинчи уйи деб аталадиган дала шийпонлари оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишларнинг ўчоғидир. Область колхоз ва совхозларида бир ярим мингдан ортиқ дала шийпони бор. Шулардан 805 таси типовой бўлиб, ҳамма талабларга тўла жавоб беради.

Ўрта Чирчиқ районидаги пахтакор бригадаларда 150 дан ортиқ дала шийпони бор. Уларнинг кўпчилиги типовойдир. Дала шийпонлари ҳар йили сиёсий, оммавий-маданий ишлар олиб бориш ва ҳордиқ чиқариш учун шинам қилиб безатилади. Дала меҳнаткашлари аксарият бўш вақтларини ана шу жойларда ўтказадилар. Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли, «Правда», «Ленинский путь» колхозлари, Калинин районидаги «Қорасув» совхози, Янгийўл районидаги «Ленинизм» ва «Интернационал» колхозлари ҳамда бошқа хўжаликларда дала шийпонларига катта аҳамият берилмоқда. Шийпонларни деҳқонларнинг кўнгил очиш ва ҳордиқ чиқариш жойига айлантириш учун алоҳида гамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ҳозир район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари олдида мавжуд дала шийпонларини ремонт қилишни яқин кунларда тугаллашдан иборат муҳим вазифа турибди. Калинин, Янгийўл, Оққўрғон, Бекобод районларининг партия ташкилотлари дала шийпонларини узоғи билан 5 апрелга қадар ёзги мавсумга шай қилиб қўйишга қарор бердилар.

Ҳар бир дала шийпонида КПСС XXIV съезди материаллари ва беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йили вазифаларини тарғиб этадиган шиорлар ва плакатлар, республика, область, район, колхоз ёки совхоз, бригаданинг социалистик мажбуриятлари ёзилган алвонлар ёки тахталар кўзга кўринадиган қилиб осиб қўйилиши керак. Дала шийпонларини газета ва журналларнинг янги сонлари, кўчма кутубхоналар, радиоприёмниклар билан таъминлаш зарур.

Дала шийпонларида доимий равишда деворий газеталар, «Жанговар варақа»лар чиқариб туриш мақсадга мувофиқдир. Сиёсий ва маданий-тарбиявий тадбирлари ўтказиш графиги тузиб чиқилиши керак. Шундай қилинса, ҳар бир дала меҳнаткаши қачон, қаерда суҳбат, лекция, концерт бўлиши, кинофильм кўрсатилишини олдиндан билади. Шунингдек, дала шийпонига биркитиб қўйилган сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар рўйхати ҳам бўлиши шарт. Ўтказилган тадбирлар эса махсус дафтарга қайд қилиб борилиши керак. Дала шийпонларида деҳқонларга маиший ва медицина-санитария хизмати кўрсатиш учун барча зарур нарсалар (газ плитаси, холодильниклар, душ, аптечка, сотувчисиз магазин ва бошқалар) муҳайё қилинниши лозим.

Партия ташкилотлари учун дала шийпонлари социалистик мусобақанинг , оммавийлигини таъминлайдиган энг қулай жойдир. Шунинг учун шийпонларда мусобақанинг кўрсаткич тахтаси, қизил байроқ, вимпел, илғорларга бағишланган стендлар бўлиши зарур. Маълумки, мусобақа қолиби меҳнат жараёнида маълум бўлади. Шунинг учун ҳар бир киши мусобақада ким олдинда бораётгани ёки ким орқада қолаётганини кунма-кун билиб туриши керак.

Ҳар бир район партия комитети, район ижроия комитети, бошланғич партия ташкилотида дала шийпонларини ремонт қилиш, жиҳозлаш ва сиёсий-оммавий ишларни олиб бориш бўйича конкрет тадбирлар плани бўлиши керак. Областимиздаги 600 га яқин бригадада дала шийпони йўқ. Шуни ҳисобга олиб партия ва совет ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари дала шийпонлари бўлмаган бригадаларда сиёсий, маданий-тарбиявий ишларни жойлаштириб юбориш ҳамда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш чораларини кўришлари лозим.

Бу соҳада маданий-оқартув муассасалари, соғлиқни сақлаш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасига ҳам катта ва масъулиятли вазифалар юкланади. Бу ташкилотлар бу ишни кенг тузиб чиқилган план асосида олиб боришлари керак. Областнинг оталиқ ташкилотлари ҳам колхоз ва совхозларга бу соҳада яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Дала шийпонлари мавсумга тахт қилингач, район партия комитети ва район ижроия комитети тузган махсус комиссия томонидан қабул қилиниб олинади. Дала шийпонларини ҳақиқий маданият ўчоғи ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш жойига айлантириш эса унумли меҳнат гаровидир.

И. СРИБНИЙ,
область партия комитетининг инструктори.

ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

КОМСОМОЛ НОМИ — ШАРАФЛИ НОМ

ВЛКСМ Уставида таъкидланганидек, коммунистик ёшлар ташкилоти ўз сафига илғор, Советлар Ватанига садоқатли, коммунистик жамият қурилишида актив иштирок этаётган йигит-қизларни бирлаштиради. Комсомол ўтган даврда совет ёшларининг жанговар авангарди, дарғаси ва ташкилотчиси сифатида катта обрў-эътибор, шоншуҳрат қозонди. Ленин комсомолига аъзо бўлган йигит-қизлар тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳам зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Областимиз комсомол ташкилоти ҳозир ўз сафига 325 минг 370 кишини бирлаштирган. 3 мингга яқин комсомол-ёшлар коллективи ҳал қилувчи йил меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ой сайин қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳозироқ 12 мингдан ортиқ йигит-қиз йиллик топшириқни муваффақиятли адо этиб, эндиликда 1974 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Комсомол ташкилотлари сафи меҳнатда илғор, ижтимоий ҳаётда актив иштирок этаётган йигит-қизлар ҳисобига йил сайин кенгайиб бормоқда. Сўнгги тўрт йил давомида область комсомол ташкилоти сафи 100 мингдан кўпроқ кишига ўсди. Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари, Калинин, Янгийўл районлари комсомол ташкилотлари сафи айниқса тез суръатлар билан ўсмоқда.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, Бутуниттифоқ ленинча синовлар, Бутуниттифоқ комсомол йиғилишлари каби тадбирларни ўтказиш давомида ёшларда комсомолга кириш истаги тезроқ ва ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Комсомол ташкилотларининг 1972 йилдаги ҳисоботсайлов йиғилишлари даврида 19603 киши ВЛКСМ аъзолигига қабул қилинди. Ленин комсомоли юбилейи нишонланган 1972 йилнинг октябрида эса 6336 йигит-қиз комсомол сафига кирди.

«КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга!» шиори остида ўтказилаётган Бутуниттифоқ ленинча синовлар давомида ҳам комсомол сафлари пешқадам ёшлар ҳисобига кенгайди. 7580 киши комсомоллар сафига келиб қўшилди. Шаҳар, район комсомол комитетлари, бошланғич комсомол ташкилотларидан бундан буён ҳам ўз ишларини янада оммавийлаштириш, очиқ комсомол йиғилишларини тезтез ўтказиб туриш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга кўмаклашувчи тадбирларни мунтазам жорий этишлари талаб қилинади.

Область комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида «Область комсомол ташкилоти сифат составини яхшилаш тўғрисида» доклад қилган область комсомол комитетининг биринчи секретари О. У. Исҳоқов ёшлар меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш, комсомол ташкилотлари сифат составини яхшилаш соҳасида жойларда амалга оширилаётган мана шу каби ижобий тадбирларни алоҳида тилга олиб ўтди.

— Ёшларни ВЛКСМ сафига тайёрлашда сиёсий тўгаракларнинг роли ниҳоятда каттадир, — дейди докладчи, — «Бизнинг ленинча комсомол» номли тўгаракларга аъзо бўлган йигит-қизлар комсомолнинг ташкил топиши, босиб ўтган шонли йўли билан яқиндан танишмоқдалар. Ҳозир областда 242 та шундай тўгарак ишлаб турипти. Бу тўгараклар машғулотларида 5840 йигит-қиз қатнашмоқда. Янгийўл медицина билим юрти, Олмалиқ шаҳри, Оққўрғон райони хўжаликларида ташкил этилган ёшларнинг сиёсий тўгаракларн намунали иш олиб бормоқда. Тўгарак машғулотларида қатнашиб, комсомолнинг қаҳрамонона ҳаёти билан яқиндан танишган йигит-қизларда комсомол аъзоси бўлиш истаги тобора кучаймоқда.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Тошкент шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари В. Медведев, Чирчиқ электрохимия комбинати комсомол комитетининг секретари М. Долимов, Оққўрғон район комсомол комитетининг биринчи секретари О. Турғунбоев, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ташкил этилган «Бизнинг ленинча комсомол» сиёсий тўгарагининг пропагандисти Г. Брихер каби ўртоқлар пленумда комсомол ташкилотлари сифат составини яхшилаш соҳасида қилинаётган ижобий тадбирларни таъкидлаш билан бирга бажарилмай қолаётган вазифаларни ҳам алоҳида тилга олдилар.

Кўпгина жойларда ҳали ҳам комсомоллар сафини ўстиришга етарлича эътибор берилмаяпти. Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ, Пискент район комсомол ташкилотлари сафидаги колхозчи ёшлар сони суст ўсмоқда. Ўтган йилда 250 та ташкилотда комсомол сафи мутлақо ўсмади. Бундан ташқари комсомолда ишлаётган коммунистлар сони ҳам кўпайиш ўрнига камаймоқда.

Комсомол ташкилотлари илғор йигит-қизларни комсомол орқали партияга узатишга ҳам алоҳида эътибор беришлари керак. Ўтган йилда 4957 комсомол ёши ўтганлиги муносабати билан ВЛКСМ сафидан чиқди. Аммо, шу комсомолларнинг атиги 35,4 процентигагина партияга кириш учун тавсия берилди. Бу нормал ҳол эмас.

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили ўтиб бораяпти. Комсомол ташкилотлари ўз эътиборларини йилни муваффақиятли якунлашга қаратмоқлари керак. Шу мақсад йўлида барча ёшлар активлигини ошириш, туғилаётган ташаббусларни кенг қулоч ёйдириш, коллективлараро социалистик мусобақани намунали ташкил этиш талаб қилинади.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди. В. Д. Ардатов партия ишига ўтганлиги муносабати билан пленум уни область комсомол комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Пленум В. А. Лозицкийни область комсомол комитетининг иккинчи секретари қилиб сайлади.

Пленумда область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзладилар.

ЧИГИТНИ СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАНГАН ЕРГА ЎЗ ВАҚТИДА ЭКАЙЛИК

Республикамиз пахтакорлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида она-Ватан омборига 4 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Тошкент область миришкор пахтакорларининг 400 минг тонна пахтаси уларнинг бу улкан хирмонига қўшадиган муносиб ҳиссаларидир. Бу улуғвор вазифани адо этиш мақсадида ўтган йилнинг кузидан бошлаб пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Агротехника талаб қилган куз-қишки ишлар ерни текислаш, далага маҳаллий-минерал ўғитларни солиш ва шудгорлаш ишлари илгариги йиллардагига нисбатан анча уюшқоқлик, сифатли ва ўз вақтида бажарилди.

Ерни чуқур ҳайдашга катта эътибор берилди, бу соҳада Бекобод, Оққўрғон, Пискент районларидаги қатор хўжаликлар айниқса яхши натижаларга эришдилар.

Куз-қиш ойларида ўтказилган ишларнинг сифатини яхши сақлаб қолиш ва кузда бажарилмаган муҳим тадбирий чораларни вақтли қўлдан бой бермай тезда амалга ошириш талаб қилинади. Маълумки, пахта етиштириладиган ҳамма ерга ўғит берилмаган ёки катта, катта майдонларга ҳам шудгордан аввал фосфорли ўғит етарли миқдорда солинмаган. Қатор хўжаликларда бузилган бедапояларни чигит экиш учун тайёрлашда фосфорли ва калийли ўғитлардан мўлжалдаги олинадиган ҳосилга нисбатан кам фойдаланилган.

Оққўрғон районидаги Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги, Янгийўл районидаги «Коммунизм», «Ленинизм», Пискент районидаги «Гулистон», Бекобод районидаги Ленин номли колхозларда соф ҳолдаги фосфорли ўғитлардан гектарига 200 килограммдан ортиқ ва калийдан эса 150 килограммдан кам берилмайди. Бундай майдонларда биринчи йилдаёқ пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига обҳаво ноқулай келган йилларда ҳам 45—50 центнердан кам бўлмаётир.

Акс ҳолда, бузилган бедапояларга биринчи йили гектарига 100 килограммга етар-етмас фосфорли ўғит берилаётир, калий ўғитидан фойдаланиш фикримизча бутунлай эсдан чиқариб қўйилган. Пискент районидаги Свердлов номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхозларда ҳосилдорлик 22—25 центнердан ошмаётир. Демак, бу хўжаликларда фан янгиликлари ва илғорлар тажрибаси у ёқда турсин, одатдаги агротехника қоидаларига ҳам амал қилинмаётир.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, экиш олдидан ўғитлагич билан ерни 12—15 сантиметр чуқурликда берилганда, уни ер бетига сепилгандагига қараганда (иккаласида бир хил норма бўлганда) пахта ҳосили гектарига 2—2,5 центнер ошди. Вазифа ўғитни фақат культиватор ўғитлагич ёрдамида мумкин қадар ернинг чуқурроқ қатламига беришдан иборатдир.

Майдонларга чигит экиш билан бир йўла ўғит солиб кетиш катта фойда бермоқда. Шу усулда ўғит берилганда ғўза ниҳоллари нормал ривожланади ва эрта шоналаш, гуллашга киришади.

Экишдан олдин ернинг яхши текислениши чигитнинг нормал чуқурликка тушишида, унинг бир текис унишида ва ҳосилнинг мўл бўлишида қатта аҳамиятга эга.

Мана бир мисол. Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув хўжалигида ўтлоқ-тўқай ва шу билан бирга пастқам бўлиб қолган ерларнинг гектаридан 26,6 центнердан, дўнг қисмида 28,7 ва текис қисмида эса 31,2 центнердан ҳосил етиштирилган.

Шунинг учун ҳам бобо деҳқонларимиз «ернинг текис бўлса, ишинг тўкис бўлади» дейдилар. Кузда бажарилмай қолиниган майдонларда шу кеча-ю-кундузда текислаш ишларига алоҳида эътибор бериш зарур. Тадбирини БДТ-2,2 типидаги дискали борона, кичик грейдерлар, экиш олдидан ишлатиладиган ерни кенг қамраб оладиган текислагич иш қуроллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Область территориясидаги деярли ҳамма майдонларда тупроқдаги нам етарли даражада деса бўлади.

Аммо, илғор хўжаликларда фурсат бой берилмай, бўз ерларда тупроқ қатлами 8—10 сантиметр етилиши биланоқ бороналаниб намни сақлаб қолиш, экилган чигитни эрта, нормал қалинликда ва соғлом унидириб олишга алоҳида эътибор берилади. Барча майдонларда март ойи давомида ёққан ёғин сувларини тупроқда сақлаб қолиш учун ҳам курашишдан иборатдир.

Тошкент область шароитидаги кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, бороналаш 10 кунга кечиктириб юборилганда бир гектар ердан 200 куб метр сув бугланиб кетган. Бу иш фақат экиш олдидан ўтказилганда эса 1000 кубометрни ташкил қилган.

Ер етилиши билан далани кўндалангига, ер бетини 4—5 сантиметр чуқурликда бороналаниши керак. Барона агрегатга икки қатор қилиб ўрнатилади. Унинг тишларини қамраб олган бегона ўт қолдиқлари, ғўзапоядан тез-тез тозалаб туриш зарур. Акс ҳолда боронанинг сифати бузилади ва чигит экишда қийинчилик туғилади.

Бу муҳим тадбирга Бекобод районидаги хўжаликларда алоҳида эътибор бериш керак, чунки район территориясидан ўтадиган шамол тупроқ намини тезда селгитиб қўяди, чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш имкониятн бўлмайди. Айниқса, райондаги «Коммунизм», Ленин номли, Дзержинский номли, Навоий номли колхозлар, 2-«Далварзин», 4-«Далварзин» каби совхозларда кўчатнинг ола бўлишига фақат тупроқ намининг етарли даражада эмаслиги сабаб бўлмоқда. Бундай аҳволни Пискент районидаги Ленин номли, Калинин, Тельман номли ва «Гулистон» колхозларининг механик состави енгил бўлган тупроқларда ва шунингдек, шағал қатлами ер бетига яқин жойлашган майдонларда яққол сезилади.

Боронанинг яна бир ҳислати шундаки, нам кесаклар майдаланади, улар ернинг паст жойларига ётқизиб кетилади, бунинг натижасида ер бирмунча текисланиб, унинг сифати анча яхшиланади ва энди униб чиқаётган ўтлар қириб ташланади.

Область районларидаги қатор хўжаликларда чигит экишга қадар майдонлар кўп йиллик бегона ўтларга қарши кураш чоралари кўнгилдагидек эмас. Ҳали далаларда бегона ўтлар кўп. Бунга қарши кузда шудгорлаш олдидан ерни 15—18 сантиметр чуқурликда плугнинг отвалини олиб ташлаб, ағдармай ҳайдаб, тегишли қуроллар ёрдамида улар илдизини йиғиштириб олиш зарур. Шу билан бирга, кўп йиллик ўтларга қарши далапон ишлатилиб, ерлар бегона ўтлардан анча тозаланади. Аммо, қатор хўжаликларда ер асосий ишлагунга қадар гумай, ажриқ каби кўп йиллик бегона ўтлардан ҳалигача тозаланмаган. Кўп йиллик кузатиш маълумотларига қараганда бегона ўт асосан ҳосилдорлик паст бўлган ерларда бўлади. Чунки, уларни илдизи билан тозаланмай кўпинча уруғ бойлаб ўсади, тез кўпаяди.

Буни тозалашда осма ва тиркама чизеллар, паравое культиваторлар, осма ва тиркама бороналар, экинларнинг қатор оралари ишлайдиган культиваторларга юмшатувчи қисм ўрнатилган ҳолда ва буларнинг қисмлари бир-биридан 12—15 сантиметр қочиқ қилиб ишлатилса, яхши натижа беради. Пиғиб олинган бегона ўт қолдиқлари даладан ташқарига чиқариб ташланиб у ёқиб юборилса жуда яхши бўлади.

Кўп йиллик бегона ўтлардан ҳали бўлиб, ери бирмунча серкесак майдонларда дискали боронадан фойдаланиш керак бўлади. Шуни алоҳида такрорлаш керакки, кўп йиллик илдиз поясидан кўпаядиган бегона ўтлар бўлган ерларда дискали бороналар мутлақо ишлатилмаслиги керак. Чунки, бунда бегона ўтларнинг илдиз ва танасини майдалаб, уларнинг кўпайиб кетишига йўл қўйилган бўлади.

Тупроғи ўтириб қолган майдонларда ва шунингдек яхоб-хокоб суви берилган ерларда унинг етилган қатламигача чизел билан ишланиши зарур. Бекобод шароитида огир тупроқли ерларда яхоб-хокоб берилган майдонларда олдин ернинг юқори қисми етилиши билан далани кўндалангига бороналаб, сўнг пастки қатлами етилгандан сўнг даланинг кўндалангига дискали борона билан юмшатиш мақсадга мувофиқдир. Ернинг ҳолатига қараб бу иш икки марта ҳам ўтказилиши мумкин. Умуман, бу қуролни ишлатилаётганда агрегатга борона ва мола ўрнатиб бир вақтнинг ўзида ишлатиш зарур. Бундай майдонларда кўп йиллик тана илдизидан кўпаядиган бегона ўтлар бўлган тақдирда чизел ёки чизел-культиваторлардан фойдаланиш кутилган натижани беради. Бу агрегатга ҳам борона ва мола тиркаб ишлатиш лозим бўлади.

Агар ер бетида бир йиллик бегона ўтлар кўпайиб қолган тақдирда дала ёппасига культивация қилинса яхши бўлади. Бунда унинг ишчи органлари тупроққа 6—8 сантиметр ботиб юриши керак.

Экинлардан юқори ҳосил етиштириш баҳорнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланишга, айниқса чигитни қулай агротехника муддатларида сифатли экиб олишга боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам пахтакорларимиз ҳозирги ғанимат кунларнинг қадрига етиб чигит экишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Бир сўз билан айтганда чигитни жуда қисқа агротехника муддатларида тез ва соз экиб олиш учун нимани зарур бўлса, ҳаммаси бекаму-кўст амалга оширилапти.

Уста пахтакорлар «Чигит экиш — биринчи имтиҳон» дейишади. Чунки, сифатли тайёрланган ерларга ўз вақтида уруғ экилса, у эрта, қийғос ва соғлом униб чиқади. Демак, ғўза кўчати гектар бошига нормал қалинликда бўлади. Аммо, экиш муддати доимий ўзгармас муддат бўлмай, балки кўклам об-ҳавосига қараб йилига ўзгариб туради.

Маълумки, ғўза ўсимлиги иссиқсевар экинлар группасига киради. Экилган чигит тупроқда 10—12 градус иссиқликда униб, илдизи ерга қадалса, ҳам, унинг уруғ барг остки почаси ўсиб, ер бетига уруғ баргини олиб чиқиш учун, яъни иккинчи сўз билан айтганда майса ер бетига чиқиши учун суткалик ҳарорати 15 градусдан юқори бўлиши керак.

Область хўжаликлари 30 минг гектар ерга туксизлантириб саралланган чигитни белгиланган миқдорда экадиган сеялка билан кенг қаторлаб экилади. Бу соҳада Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг иш диққатга сазовордир. Бу хўжаликда шу чигитдан одатдагича гектарига 30 килограмм экиш ўрнига атиги 20—22 килограмм чамасида экишмоқда. Мана шу ҳисобига уруғлик чигит кўпмиқдорда тежалади ва айниқса ғўзани яганалашда қўл кучи кам сарфланади, сараланган чигит эрта ва бақувват униб чиқади ҳамда бир хил шароитда тукли чигит экилган майдондаги ҳосилга нисбатан гектар бошига 2—3. центнер ортиқ бўлади.

Чигит кенг қаторлаб экилганда ғўза қатор ораларини ишлаш, ўғитлаш, ҳосилни машинада йиғиб олишда агрегатнинг иш унуми деярли 1,5—2 баравар ортиқ бўлади. Сувчиларнинг иш унуми янада ортиқ бўлади.

Чигит экишда тупроқ унумдорлиги, ернинг ўт босиш даражаси сизот сувларнинг жойланиш чуқурлиги, қўл кучи имконияти ва ғўза нави тупнинг тузилишига қараб уни энг қўлай схемаларини танлаш керак.

Масалан, тупроқнинг унуми юқори, сизот сувлари ер бетига яқин бўлиб ғўзаси бир мунча бўйчан ўсадиган майдонларда ва шунингдек қўл кучи кам бўлган участка ва хўжаликларда чигитни 90Х20, 60Х60 схемаларида, ернинг унуми юқори ва ўртача бўлиб қолган, бегона ўтлари камроқ бўладиган майдонларда 60Х50, 60Х45, 60Х30 схемаларида ва тупроқ унуми паст бўлган майдонларда чигит оддий қаторлаб ёки 60Х20, 60Х25 схемаларда экилса, кўчат етарли миқдорда бўлади. Бу йил асосий майдонларга «Тошкент-3» пахта нави уруғи экилади. Тупи хипча бўлганлиги учун гектар бошига кўпроқ қолдириладиган майдонларда ўстирилиши керак ёки чигит тор қаторлаб экиладиган майдонлар учун анча яхши бўлар эди. «Тошкент-1» пахта навининг ҳосил шохларининг бўғин оралари бирмунча кенгроқ бўлгани учун тупи тарвақайлаб ўсади. Бу навнинг уруғи асосан чигит кенг қаторлаб экиладиган майдонларга мос бўлади. «Тошкент-2» нави уруғини ҳам кенг қаторлаб экиладиган майдонларга жойлаштириш маъқул ҳисобланади.

Экиладиган чигит пахта тозалаш заводларида баъзи бир касаллик ва ҳашаротларга қарши кимёвий препаратлар билан доривланади. Агар заводларда чигитни фентлурам препарати билан ишланган бўлса, хўжаликларда уни экиш олдидан фақат намлаб димланади, холос. Бу препарат ғўзани илдиз чириш, гоммоз, томир қуртига қарши курашганда фойдаси катта бўлади. Учхлорфенолятмис билан доривланганда эса уни экиш олдидан намлаш ва димлашда пешма-пеш илдиз чириш касалига қарши ТМТД ва томир қуртига қарши гексохлоран дусти билан ишланади.

Чигитни қисқа муддат ичида нормал қалинликда ва қийғос униб чиқиши учун бир тонна чигитни 400—800 литр чамасида сув пуркаб димланади. Бунда эрта муддатда ер сернам, об-ҳаво пастроқ келган вақтларда 400 литр чамасида ва чигит экишда тупроқ намлигини ва ҳарорати етарли бўлиб энг қулай агротехника муддатларида экилаётган вақтда 500—600 литр ва кечки муддатда тупроқ нами қочиқираб қолган вақтларда эса 800 литр сув сарфланади)

Чигитни намлаш ва димлаш 3 марта такрорланади. Бунинг учун чигит асфальт ёки бетон майдончага, экн 1—1,5 метр, қалинлиги 20—30 сантиметр ва ёйилиш узунлиги талаб қилинадиган чигит миқдорига қараб ҳар-хил узунликда бўлиши мумкин. Ҳар гал сувнинг учдан бир қисмини гул челакда пуркалиб, икки киши чигитни белқуракда қориштириб сўнг-унн 60—70 сантиметр баландликда уйиб димланади. Намлаш ҳар уч соатда қайтарилади.

Чигитга сув пуркалаётганда у чигит майдончасидан силиқиб чиқиб кетмасин. Чунки, бу дорилар сувда чигитдан ювилиб чиқиб кетади. Натижада ҳар хил касаллик ва зараркунандалар билан шикастланади. Димлаш муддати экиш муддати ва об-ҳавони келишига қараб 6—8 соатдан 20 соатгача давом этиши мумкин.

Охирги марта димлашда чигит учхлорфенолятмис билан доривланган бўлса, илдиз чириш касалига қарши ТМТДдан бир тонна қуруқ чигит ҳисобидан 12 килограмм чангланиб, чигитга қориштирилади. Экиш олдидан намланиб димланган чигит илдиз қуртига қарши 12 процентли гексахлоран бир тонна қуруқ чигит ҳисобидан 40 килограмм чанглатиб белқуракда яхшилаб қориштириб, сўнг бригадаларга жўнатилади.

Чигитни экишда қатнашаётган кишилар албатта санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишлари, бу ишда ишлаётган кишиларнинг ҳар бирига серқаймоқ сут бериб турилиши шарт.

Туксизлантирилган чигитлар фақат заводларда доривланганлиги кифоя қилиб, хўжаликларда мутлақо доривланмайди, намланмай қуруқ ҳолда экилади. Шуни ҳам айтиш керакки, туксизлантирилган чигитни экишга киришишдан 4—5 кун кейин бошлаш керак. Чунки, бу чигит эрта муддатда экиб қўйилса, у зах тупроқда чирб қолади ёки кеч муддатда экилса нам етмай ола униб чиқади. Шунинг учун ҳам туксизлантирилиб сараланган чигитни қулай агротехника муддатларида — ҳарорат ва нам етарли бўлганда экиб олиш зарур.

Чигитни экишда унинг нормасига катта эътибор берилиши керак. Норма асосан чигит экиш схемасига боғлиқ. Тукли чигит 60х60 схемасида, бир гектар ерга 40—45 килограмм, 60х50, 60х45 схемасида 45—50, 90х20 схемасида 40—45, 60х30 схемасида 50—60 килограмм миқдорида экилади. Туксиз чигитни белгиланган миқдорда экаётганда 90х20 схемасида 1 гектарга 25—30, 60х30 схемасида 22—27 килограмм сарфланади.

Чигит оддий қаторлаб, 60 сантиметр қилиб экилганда бир гектар ерга 100—110 килограм чигит кетади.

Тукли чигитларни квадрат уялаб ва тўғри тўрт бурчакли уялаб экилганда қатор оралари икки томонлама машина билан ишланадиган майдонларда ҳар бир уяга 7—8 тадан, 90х20 ва 60х30 схемаларида 4—5 тадан ташланади. Туксизлантирилган чигитларни эса 90х20 ва 60х30 схемаларида экилганда нам ва ҳарорат жуда етарли бўлса ҳар уяга 3—4 тадан ва нам камроқ ерларда эса 4—5 тадан экиш мақсадга мувофиқдир.

Чигит оддий қаторлаб экилаётганда қаторнинг ҳар бир метрига 50—60 тадан чигит ташланиши керак.

Чигит эрта муддатларда, ер сернам бўлса, тупроқ огир ҳисобланган майдонларда 3—4 сантиметр чуқурликда, энг қулай муддатларда 4—5 сантиметр ва тупроқнинг нами қочиқираб қолган вақтларда ва кеч муддатда экилаётганида 5—6 сантиметр чуқурликда ташлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳаво исиб кетаётган ёки тупроқнинг нами тез камайиб кетаётган майдонларда чигит экиш билан бир вақтда қўш эгат олиниши шарт, чунки эҳтимол чигитнинг униб чиқиши учун тупроқ нами етмаган тақдирда шу эгатлар орқали чигит суви берилади.

Бу соҳада Пискент районидаги «Гулистон» колхози пахтакорларининг алоҳида ишлаб чиқарган тажрибаси диққатга сазовордир. Бу колхозда чигитни 60х30 схемасида тукли чигитдан гектарига 30 килограмм экиб, асосий майдонларда ҳар уяда 2—3 тадан ўсимлик бўлишига эришилмоқда. Мана шунда баъзи далаларда мутлақо яганадан қутулишган, баъзи далаларда эса уяларда аҳён-аҳёнда ортиқча ўсимликлар юлиб ташланади.

Чигитни экиш билан бир вақтда бир йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилади. Гербицид эритмаси чигит экиш чизиги бўйича 25—30 сантиметр кенглиги пуркалади. Кенг қаторлаб экаётган сеялка агрегатига ПГС—3,6А ва торқаторда чигит экадиган сеялкага эса ПГС—2,4А1 мосламаларидан фойдаланилади.

Чигит экилгандан кейин ёғингарчилик бўлиб, ер бетини юпқа қатқалоқ боғласа, бунда гербицид пуркалган лента юмшатилмасин, акс ҳолда унинг нафи бўлмайди. Агар бўз тупроқли ерларда қатқалоқ бўлса, унда ер ёппасига юмшатилади, юмшатилмаса, унда қатқалоқ чигитнинг унишига тўсқинлик қилади, кўчат ола бўлиб қолади.

Экилган чигит тўла униб чиқмагунча экиш тамомланди, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир деҳқон ва хўжалик раҳбарлари чигитнинг тупроқдаги ҳолатини текшириб туришлари, унинг тупроқдаги аҳволига қараб тегишли тадбир-чоралар қўлланишлари керак.

А. ИМОМАЛИЕВ,
В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор. Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректори.

А. ШЛЕЙХЕР,
шу институт пахтачилик кафедрасининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Н. НОРМУҲАМЕДОВ,
институт пахтачилик кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ИХТИРОЧИЛАР

Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати коллективининг меҳнатдаги муваффақиятларида ихтирочи ва рационализаторларнинг ҳиссаси катта.

Корхона аҳли давлат планларини ортиғи билан адо этибгина қолмай, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Корхона маъмурияти, партия, комсомол, касаба союз комитети бу хайрли ишга алоҳида эътибор бераётганликлари сабабли ижодий изланувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, кейинги йиллар ичида рационализаторлик бюросига 530 рационализаторлик, 27 ихтирочилик таклифи тушди. Шулардан 462 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва 586 минг сўмлик фойда олинди. Булардан ташқари 59,5 минг сўмлик ҳом ашё, 149 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 137,5 минг сўмлик металл тежаб қолинди.

Мазкур корхона рационализаторлик бюроси аъзолари ижодкор изланувчиларнинг маҳоратини ошириш мақсадида турли хил конкурслар ҳам уюштирмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган конкурс натижалари бўйича 2-цех ишчилари ғолиб чиқдилар. Айниқса, шу цех прессловчиси Н. Юсупов ва участка бошлиғи Р. Нормуҳамедовларнинг қатор таклифлари маҳсулот сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда.

Янги техника ва технология ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш борасида 15-ремонт-механика цехининг аъзаматлари ҳам кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Цехда ўтган йили 34 таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 27 минг сўм фойда олинди.

— Ютуқларимизнинг сири оддий,— дейди завод технологи Юрий Ерхов. — Корхонамизда ҳар беш ишчининг бири тинибтинчимас рационализатордир. Характерлиси шуки, бизда тажрибали ишчилар билан бир қаторда комсомол-ёшлар ҳам самарали таклифларни олдинга сурмоқдалар. Бу борада 4-цех комсомол-ёшларининг ишлари диққатга сазовор. Яқинда уларнинг ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди: заводда ўтказилган ёш рационализаторлар конкурсида мазкур цех ишчилари биринчи ўринни эгалладилар.

М. ҚАЮМОВ.



УЗБЕКИСТОН ССР Геология министрлиги ҳисоблаш марказида электрон ҳисоблаш машинасининг учинчи авлоди бўлган «РЯД» электрон ҳисоблаш машинаси монтаж қилинмоқда. Бу машина ҳозирда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Суратда: ҳисоблаш маркази инженери Қ. Муҳамедов ва программачи Г. Туранова иш устида.
Н. Ключиев фотоси, (ЎзТАГ).

Жаҳон янгиликлари

ФКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПАРИЖ, 28 март. (ТАСС). Бугун Парижда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми иш бошлади.

Пленумда Франция Коммунистик Партиясининг Бош секретари Жорж Марше «Парламент сайловидан кейинги сиёсий аҳвол» деган мавзуда доклад қилди.

Ватанпарварларнинг муваффақияти

КОНАКРИ, 28 март. (ТАСС). Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси ПАИГКнинг ватанпарварлари Гвинея (БИСАУ) жанубида Португалия мустамлакачиларининг Гилиждаги лагери истеҳкомларига ҳужум қилган вақтларида Португалиянинг яна иккита самолётини уриб туширдилар. Шундай қилиб Гвинея озодлиги учун курашувчилар 23 мартдан 25 мартга қадар Португалиянинг ҳаммаси бўлиб тўртта ҳарбий самолётини уриб туширишди.

ПАИГКнинг бу ерда мана шу тўғрида эълон қилган ахборотида шу нарса ҳам кўрсатиб ўтилдики, ватанпарварлар озод қилинган Кубукар зонасидаги Качамба аҳоли пункти яқинида вертолётлардан тушнрилган душман бўлинмасига муваффақиятли ҳужум қилганлар. Шу операция чоғида Португалия солдатлари ва офицерларидан анчагина киши ўлдирилган ва жароҳатлантирилган.

КЎПЛАБ ҚАМОҚҚА ОЛМОҚДАЛАР

ЛОНДОН, 28 март. (ТАСС). Кейинги икки кун ичида Англия қўшинлари Шимолий Ирландияда кўп кишиларни қамоққа олмоқдалар. «Хавфсизлик кучлари» билан тўқнашишлар давом этиб, одамлар ўлаётган ва жароҳатланаётган бир пайтда бундай қамоққа олишлар давом этмоқда.

Ўтган кунлар давомида Бельфастда ва Деррида саккиз жойда бомба портлаганлиги қайд қилинди, саноат корхоналарига ва магазинларга зарар етказилди.

Ольстрдаги кескинликнинг кучайиши консерваторлар ҳукуматининг Шимолий Ирландияга доир «оқ китобини» юнионистлар партияси маъқуллаб қарор чиқарган вақтга тўғри келиб қолди. Маълумки, мазкур «Оқ китоб» Шимолий Ирландияда озчиликни ташкил этган католикларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини назарписанд қилмай Лондоннинг шу вилоят устидан сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигини мустаҳкамлайди.

ОҒИР ОҚИБАТЛАР

ЛОНДОН, 27 март. (ТАСС). Консерваторлар партиясидан сайланган парламент аъзоси Ричард Боди гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари тез кўтарилаётганлиги Англия «умумий бозор»га аъзо бўлиб кирганлигининг бевосита оқибати бўлди, деди. Буюк Британиянинг Европа иқтисодий жамиятига аъзо бўлиб кириши, деди у, нархларнинг ялада кўтарилишига ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг камайиб кетишига олиб келади. Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларига қараганда, мол ва чўчқа гўштларининг нархи, тухум, мой ва бошқа баъзи маҳсулотларининг нархлари бултур ноябрь ойидан бери 40 процентга яқин кўтарилди.

Маҳсулотнинг оширилган қимматидан солиқ олиш жорий қилинганлиги натижасида шу йил 1 апрелдан бошлаб турли саноат молларининг нархлари ҳам кўтарилади. Жумладан, болалар учун керакли молларнинг, кийим-кечак, ўйинчоқларнинг ва биринчи даражада зарур кийимларнинг нархлари 10 процентдан зиёдроқ қимматлашади. Жун ва ип газлама буюмларнинг нархлари, шунингдек пойафзал нархи ҳам анча кўтарилади, деб кутилмоқда.

Савдо ва истеъмол ишлари билан шуғулланувчи министр Ж. Хаунит айтишига қараганда, нархлар ошиб кетганлиги ва турмуш даражаси жуда пасайиб кетганлиги сабабли, оддий инглизлардан кейинги беш ойнинг ўзидагина министрликка 11 минг 850 га яқин шикоят ариза тушди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Ўзаро ҳамкорлик иқтисодий Совети аъзолари. Прешов шаҳридаги машинасозлик корхонаси маҳсулотига социалистик мамлакатларда талаб катта. Корхона пешқадам ишчилари З. Докаль ва А. Доупал СССР учун навбатдаги буюртмани бажармоқдалар.

ЧТК—ТАСС фотоси.

МОНОПОЛИЯЛАРНИНГ ДАЪВОЛАРИ РАД ЭТИЛДИ

КАРАКАС, 28 март. (ТАСС). Венесуэланинг кон-руда ва нефть саноати министри Уго Перес Ла Сальвна «Насиональ» газетаси мухбири билан суҳбатда, бизнинг мамлакатимиз нефтимизни сотиш мумкин бўлган бозорлар эвазига нефть чиқадиган районларимиздан биронтасини сотиш ниятида эмас, деди. Бизнинг бу масалаларги қатъий позициямиз, деди у, чет эл компанияларига янги концессиялар беришдан бош тортиш сиёсатига тўла равишда мувофиқдир. Венесуэла ҳукумати шундай сиёсат ўтказиб келмоқда.

Бу ерда айтишларига қараганда, Ориноко районидаги нефть конларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини АҚШ монополияларига беришни Америка вакиллари Венесуэла ҳукуматига таклиф қилишди, деган хабарни ғарбнинг баъзи информация агентликлари тарқатганига жавобан У. Перес Ла Сальвна шу гапларни айтган.

АСИРЛАР ТОПШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 28 март. (ТАСС). Лаос ватанпарварлик фронтининг вакили Лаос Халқ Озодлик армиясининг жангчилари уруш даврида асир қилиб олган ҳарбий ва граждан ходимлардан 9 кишини бугун Америка қўмондонлиги вакилларига топширди. Ана шу группа составида икки граждан ва етти ҳарбий хизматчи бор.

Асирларни топшириш маросими Ханойдаги Зялам аэропортида ўтказилди.

БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

БУХАРЕСТ ,28 март. (ТАСС). Бугун бу ерда Руминия Социалистик Республикаси буюк миллат мажлисининг навбатдаги сессияси иш бошлади. Депутатлар бир қанча қонун лойиҳаларини, шу жумладан Руминиянн иқтисодий ва социал ривожлантириш олий кенгашини, молия назоратининг олий палатасини ташкил қилиш тўғрисидаги, Руминия Социалистик республикаси жиноят-процессуал кодексига киритиладиган ўзгаришлар ҳақидаги қонун лойиҳаларини кўриб чиқадилар.

Янги шеърлар

УЙИМ

Бир кичик кулбада туғилиб ўсдим.
Отамдан қолган-у, — оддий ва содда.
Мухташам қасрга алишмам, дўстим,
Кўк ўпар уйлардан минг бор знёда.
Шу уйда бизни деб жафокаш отам,
Тириклик кўйида юмди кўзини.
Бизни кафтда тутиб у шўрлик онам,
Сўқмоқларда кўрди отам изини.
Тун ялиқ сочларни босди-ю қиров,
Ҳассага таяниб қолди муштипар;
Миттти юрагини қилиб у ялов,
Бизга ёлқин сочар, олтин зар.
Разиллик, пасткашлик ҳамон бегона,
Бир уй-ки, мисоли мусаффо осмон.
Бу уйга бахт қуши мудом парвона,
Она меҳри билан обод, чароғон.
Шундай уйларда яралди тарих,
Боболар тарихга бердилар сайқал.
Лойшувоқ уйлардир ҳикматга тўлиқ,
Ҳар гишти ёнади мисоли машъал.

Шу уйдир умримнинг дорилфунуни.
Шундан мен оламан ҳаёт дарсини,
Шундан бошланади кураш тўлқини,
Шундан мен тинглайман даврим маршини.
Бахт излаб бормадим ўзга элларга,
Бошқалар уйига суқилмадим ҳам.
Шу уйдан боқаман олис йўлларга,
Шу уйдан туғилар келажак, кўклам.
Шу уйда йўғрилди орзу, қофиям,
Юракда кўпирар ҳислар туғёни.
Шу уйдан оламга ташлайман қадам,
Қалбимга жо қилиб еру-самони.
Шу уйни тарк этмай, тарк этмай мағрур,
Жаҳонга эзгулик уруғин сочгум.
Шу уйдан гўёки бўлиб ёрқин нур,
Дўстликнинг боғида қалбимни очгум.
Бир кичик кулбада туғилиб ўсдим,
Отамдан қолган у—оддий ва содда,
Мухташам қасрга алишмам, дўстим,
Кўк ўпар уйлардан минг бор знёда!

ЕР

У билмайди гўзаллик нима,
Безанишин ҳам сезмайди ҳатто.
Кибр ҳаво унга бегона,
Тили ҳам йўқ, сўзламас асло.
Яшаса ҳам ўзи ялонғоч,
Саҳоватда аталмиш Дунё.
Ҳар инсонга кийинтирар тож,
Бағри эрур битмас хазина.
Кўтарар у бизни бошига,
Чарчамайди ишлаб бетиним.
Кўксин очиб эл кўёшига,
Пойимизда қиладн таъзим.

Ашурали АХМЕДОВ.

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гулладн.

В. Таран фотоэтюди.

МАЙСАЛАР ШИВИРЛАР

Келинлик либосин кийган лобардай,
Меҳримни тортади далаю қирлар.
Белига боғлаган тилла камардай,
Айқириб оқади баҳорги сувлар.
Майса шивирлашин завқ қиламан, завқ,
Сайроқи қушларнинг нағмаси бўлак.
Кеча мудраб ётган далаларда шавқ,
Баҳорни олқишлар, ғунчаю куртак,
Тилагим чамандир, юртим ороси,
Водийлар кўркини гулга буркай дер.
Дилларни қитиқлар баҳор ҳавоси,
Бахмал либосларга бурканади ер.

Икром СУЯРҚУЛОВ,
Пискент.

АХБОРОТ
БИЗГА ЁЗАДИЛАР

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ МАСКАНИ

Қишлоқ хўжалиги ишлари яхши сайин қизиб бораяпти. Бундан буён дала шийпонлари ҳам одамлар билан гавжумлашади.

Усмон Юсупов номли саноат-аграр бирлашмаси бўлимларида қурилаётган дала шийпонлари сони кўпаймоқда. Тўртинчи ва олтинчи бўлимларда қурилган янги дала шийпонлари ҳа демай фойдаланишга топширилади. Уларни қуриш учун 12 минг сўм маблағ сарфланди. Ҳар бир дала шийпони замонавий лойиҳа асосида қурилган бўлиб, улардан қишин-ёзин фойдаланиш мумкин. Бўлимларда ўтказиладиган турли оммавий-сиёсий ишлар ва йиғинлар бундан буён шу ерда ўтказилади. Дала шийпонида кутубхона, ўқув зали, бўлим идораси ва дам олиш хонаси жойлашган.

Бу йил яна бир қатор бўлимларда мана шундай замонавий шийпонлар қуришга киришилади.

ДЎСТЛАР ҲУЗУРИДА

ОКТЯБРЬ ва Фрунзе район меҳнаткашлари деҳқонлар билан яқиндан дўстлашишган. Улар ўз оталиқларидаги колхоз ва совхозларни ободонлаштиришда, пахта ҳосилдорлигини оширишда уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Яқинда Октябрь район партия комитети ташкил этган махсус агитбригада ва тўқимачилар маданият саройи бадиий ҳаваскорлари Пискент райони хўжаликларида бўлдилар. Улар деҳқонлар даврасида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб, қизиқарли программада концертлар қўйиб беришди.

Ҳа демай, шаҳарда ташкил этилган кўчма устахона ҳам қишлоқ томон йўл олади. Бу устахоналар чигит экиш кампанияси даврида қишлоқ механизаторларига ёрдам беради. Шаҳарлик бадиий ҳаваскорлар эса пахтакорлар ҳузурида меҳмон бўлиб, ўз санъатларини намойиш этишади.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

ҒАЗАЛКЕНТДА олиб борилаётган қурилишлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. Яқинда бу ерда 280 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Боғчада жажжиларимизни тарбиялаш учун барча қулайликлар муҳайё. Машғулот ўтказиш, овқатланиш, дам олиш учун алоҳида хоналар ажратилган.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги республика Моделар уйининг намойиш зали одамлар билан ҳар қачонгидан гавжум. Залда Тошкент ва Самарқанд чинни заводлари маҳсулотларининг энг яхши намуналаридан тортиб, Бухоро зардўзи дўппиларини, Қорақалпоғистон АССР маҳаллий саноатининг дорпечлари, гиламлари ҳамда газламаларини кўриш мумкин.

Залга кираверишда Сирдарё, Фарғона областлари маҳаллий саноатларида ишлаб чиқарилаётган турли хил хўжалик буюмлари ҳамда газламалар кўзга ташланади. Ундан кейин Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармаси корхоналарига қарашли маҳсулотлар кенг ўрин олган. Бу бошқармаа ҳузуридаги корхоналар маҳсулотига ажратилган каттагина жойда ёниб турган турли хил қандилларни, бежирим ёдгорлик буюмларни, металл идишлар ва карнизларни, кўплаб бошқа буюмларни учратиш мумкин. Самарқанддаги «Чевар» фабрикасининг атласлари, ёдгорлик кўзалар киши диққатини ўзига жалб этади.

Ярмаркада Тошкент областининг Урта Чирчиқ район тикув фабрикаси, Калинин район хўжалик-маиший буюмлар фабрикасининг турли хил маҳсулотлари ҳам бор.

Тошкентдаги «Миконд» заводида уч йилдан буён биллур буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Янги маҳсулот қисқа давр ичида кенг шуҳрат қозонди.

— Ўтган йили 12 хил ассортиментли моллар билан ярмаркага қатнашган эдик, — дейди завод молия бўлими бошлиғининг ўринбосари М. Нуриддинов. — Бу йил эса улгуржи савдо ярмаркасига 24 хил буюмларимиз билан қатнашяпмиз. Биллур ишлаб чиқариш 1969 йилга нисбатан 800 минг сўмга ортди. Бу ярмарка қайси буюмларимизга аҳолининг талаби қай даражада эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу йил заводда биллурдан тайёрланган манзаралы шох, гул вазаси, миллий безакли фюжерлар ишлаб чиқарила бошланди. Тошкент биллури шарафининг ортишида, ҳозирги кунда гулдор ойна устида иш олиб бораётган завод бош инженери ўринбосари В. Ильганаев, цех бошлиғи С. Каплан ўртоқларнинг ҳизмати катта бўлмоқда.

Иккинчи қаватда кейинги йилларда республикамиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли буюмлари кенг ўрин эгаллаган. Бу ерда «Тошкенткабель», «Ўзбекхиммаш», «Ташсельмаш» ва бошқа заводларда тайёрланаётган турли-туман уй-рўзғор буюмлари намойиш қилинмоқда.

— Ўтган йили улгуржи савдо ярмаркасида 287 корхона қатнашган эди, — дейди ярмарка директори Т. Ҳожиев. — Бу йил эса уларнинг сони 300 дан ортиқ. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун республика саноат корхоналари билан 450 миллион сўмлик шартнома тузилади. Ўтган йили ярмаркага тақдим этилган янги хил маҳсулотлардан 129 таси ўзлаштирилди. Ҳозир эса 801 та янги маҳсулот намуналари тақдим этилган. Асосий мақсад — бошқа республикаларда ишлаб чиқарилаётган молларни ўз саноатимизда ўзлаштиришдан иборат.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ХУЖАЛИК ва кенг истеъмол буюмлари улгуржи савдо ярмаркасида намойиш қилинаётган турли хил маҳсулотлар орасида Тошкент чинниси ўзининг бежиримлиги ва сифатлилиги билан ажралиб турибди. Шунингдек, бошқа областлар хўжалик-маиший корхоналари да ишлаб чиқарилаётган безакдор сопол идишлар ҳам залдан катта ўрин эгаллади.

Суратда: ярмаркада намойиш этилаётган чинни ва сопол буюмлар.

А. Абалян фотолари.

Ҳар тўғрида

НИЗОМИЙ ДОСТОНИ СЮЖЕТИДА

ТУРКМАНИСТОН ССРдаги қадимги ховузхон шаҳрини археологик қазишлар чоғида топилган кўза гули буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий ёзган «Хисрав ва Ширин» достонига «иллюстрация» бўлиб чиқди. Эрмитажда сақланаётган шу ёдгорликни ўрганиб чиққан ленинградлик санъатшунос Г. Н. Балашова номаълум рассом шоҳона зиёфат ва Фарҳод гўзал Ширинни қандай қилиб қутқарганлигини ҳикоя қилувчи манзараларни тасвирлаган.

Балашова Ленинграддаги нусхани Нью-Йоркдаги метрополитен-музейга қарашли шундай кўза билан таққослаб кўрди. Унда ҳам Низомий достони сюжетига ишланган шундай суратлар сақланган. Шундай қилиб, ҳар икки идиш ва унинг суратларини Нишопурдаги битта уста ишлаганлиги маълум бўлди. Илгари Нишопурда кулолчилик жуда ривож топганди. Кўзалардаги ҳуснихат ва расмлар композициясига қараб Фарҳод билан Ширин тасвирларнинг ўхшашлиги исбот этилди.

Химиявий анализ ховузхондан топилган ёдгорлик XII аср охирларига оид эканлигини аниқлашга имкон берди. Эрмитаж ходимаси кўза Низомий барҳаётлигида ясалган, деб ҳисоблайди. Сополдаги шу Фарҳод ва Ширин портретлари ўлмас достон қаҳрамонларининг биринчи маълум «портретлари»дир.

Н. КОНДРАТЕНКО,
Ленинград.

ПЛАСТМАССАДАН НИМ УТКАЗГИЧ МАТЕРИАЛ

АКАДЕМИК А. Андрианов раҳбарлигидаги бир группа грузин мутахассислари ним ўтказгич материал ҳоссаларига эга бўлган полимер материал вужудга келтирди. Мана шу полимер асосида паст температуравий ишитиш элементларининг экспериментал намуналари тайёрланди. Гидротехника объектлари музлаб қолишига йўл қўймаслик учун шу элементлар ишлатилиши мумкин.

Янги ишитиш элементлари тоғлиқ гидроэлектрастанцияларда синаб кўрилди: ГЭСдан чиқувчи сув ўтадиган бетон ариқ бетига шу полимер материал қопланганида одатдагидек яхламади. Материал қоятда эластиқдир. Ҳар қандай мураккаб шаклдаги иншоотларнинг юзига осонгина қопланаберилади.

Электрон аппаратлар ясашда, шунингдек статик электрик йўқотишда электр ўтказгичли пластмассадан фойдаланилиши мумкин.

К. ЦХОМЕЛИДЗЕ,
Тбилиси.

КАЛИНИН РАЙОНИДА

МУКОФОТГА «ЖИГУЛИ»

ФОТИМА Турсунова «Узбекистон ССР 40 йиллиги» колхозида қариб 24 йилдан буён пилла қурти боқади. Ипакчи аёл ҳар йили давлатга пилла топшириш планини ортиғи билан бажариб келмоқда. Унинг халол меҳнатлари юксак тақдирланди. Фотима Турсунова яқинда «Жигули» енгил автомобили билан мукофотланди.

ЕШ ШОФЕРЛАР

39-автобаза қошидаги шофёрлар тайёрлаш 6 ойлик курсини битирувчи 26 нафар ёш шофёрга гувоҳномалар топширилди. Улар шу автобазада меҳнат фаолиятини бошлаб юборишди.

ЯНГИ РЕНТГЕН КАБИНЕТИ

ҲАСАНБОЙ қишлоғида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш йил сайин яхши йўлга қўйилмоқда. Қишлоқ шифохонасида янги рентген кабинети очилди. Кабинетни ташкил қилишда депутатлар Х. Иногомов, Ғ. Рихсиҳўжаевлар ташаббускорлик кўрсатдилар.

АҲОЛИ МИННАТДОР

ХОНОБОД қишлоғида янги-янги турар-жой, маиший хизмат бинолари ишга тушяпти. Яқинда қишлоқ марказида янги мебель магазини фойдаланишга топширилди. Бу ғамхўрликдан хонободликлар мамнун.

Б. САЙДАЛИЕВ.

ТЕР-ОВАНЕСЯН САФДА ҚОЛАДИ

60-йилларнинг машҳур енгил атлетикачиси қатъий қарорга келди. У спорт билан ҳайрлашишга қарор қилди. Аммо спортчилар сафида қолди. Совет Иттифоқи енгил атлетика терма командаси бош тренерининг ўринбосари қилиб тайинланди.

— Эндиликда ҳаётимизда биринчи марта менинг Бутуниттифоқ рекордим (8 метр 35 сантиметр) кечаги рақибларим томонидан янгиланишининг тилакдошиман, — дейди қулимсираб у.

Узунликка сакраш бўйича Европанинг ув марта чемпиони май ойида 35 ёшга тўлади. У ўзининг спортдаги илк қадамини бундан йигирма уч йил муқаддам Москва яқинидаги пионер лагерида ўқувчилар мусобақасида бошлаган эди. Бунда шахматчилар турнирида голиб келган, сакрашда эса фақат иккинчи бўлганди. Тер-Ованесян ўн етти йил давомида СССР терма командаси составида 36 марта иштирок этди, беш марта олимпиада ўйинларида қатнашиб, икки мартасида бронза медалига сазовор бўлди. Бу спортчи учун Мюнхенда бўлган олимпиада ўйинлари энг сўнгиси эди.

— Игорь йигирма йиллик спорт ҳаётингизда жуда кўп бахтли дақиқалар, эсда қоладиган онлар бўлди. Эҳтимол, ана шу қувончли дамларни ажратиб кўрсатиш қийин бўлса-да, ҳар ҳолда энг таъсирчан дамлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Бунда мен 1960 йилнинг баҳорида бўлган мусобақани эсга олишим керак. Европа енгил атлетикачилари ўртасида биринчи бўлиб 8 метрдан юқори кўрсаткичга эришишга муваффақ бўлдим. Ёки икки марта жаҳон рекордларини ўрнатган мусобақаларни ҳам ёдга олса бўлади... 1959 йили мамлакат чемпионатида ўн курашчилар мусобақасида учинчи ўрин ҳам менга катта қувонч бахш этди. Бу ютуқни узунликка сакрашдаги ҳеч бир ғалабамдан паст қўймайман.

— Қайси спортчини ўзингиз учун ўрнак деб билса оласиз?

— Мен ҳамиша ўнкурашчимиз Василий Кузнецов, австралиялик Стайер Роннальд Кларкка ҳавас қилар ва улардек бўлишга интилардим. Валерий Брумелга ҳам эътиқодим катта эди.

Мен эса енгил атлетикачилар юлдузларидан бири, уч хатлаб сакрашда икки марта олимпиада чемпиони Виктор Санаевнинг чемпион бўлмаган незларда Тер-Ованесян сингари бўлишни орзу қилишини эсладим. Яқинда спорт журналистлари сўнгги ўн йилликда жаҳоннинг энг яхши спортчиси деб тан олган Янис Лусис ҳам Игорь билан фахрланарди, унга эргашарди. Инглиз сакровчиси Мэри Бигнелли—Рэнд ҳам совет чемпионидан ўрнак олишга интиларди.

Кун сайин машғулотларда қатнашиш, мусобақаларда иштирок этиш, чет элларга бориш Тер-Ованесянга ўқишда ҳалақит бермади. У аввалига физкультура институтини, сўнг аспирантураги тугатди. Унинг диссертация устида қанчалик тиришқоқлик билан меҳнат қилганини кўриб, эҳтимол бу фазилат отасидан ўтган бўлса керак, деган ҳаёлга борардим. Игорьнинг отаси диск улоқтиришда СССРнинг собиқ чемпиони, Арам Тер-Ованесян педагогика фанлари доктори.

— Сизнинг янги лавозимингиз, ижодий ишингиз учун имкон бермаса керак. Демак, фан билан шуғулланиш?..

—Мутлақо бундай эмас. Жисмоний тарбия кафедраси билан алоқани сира узмайман. Эҳтимол, келажакда буткул фан билан шуғулланарман. Ҳозир эса негадир спорт мусобақалари ва машғулотлари муҳитидан ажрайолмаяпман.

— Бош тренер ўринбосарининг вазифаси нимадан иборат?

— Энг аввал қобилиятли енгил атлетиначиларни кўра билиш, топиш, танлаш, уларни маҳоратини оширишда яқиндан ёрдам беришдан иборат.

Игорь ҳаваскорликдан катта спорт мастеригача бўлган ўз спорт йўлини қайтара оладиган ҳаваскорни топиш ва уни тарбиялашни орзу қиладн.

— Мен ўзимнинг бўлажак шогирдимни, — қувноқ, эркин, бир сўзли сифатида кўришни истайман, — дейди Игорь. — Албатта, ҳазилкаш ҳам бўлсин.

— Менимча, бундай фазилатга ўғлингиз тўла жавоб бера олади. Узоққа бориб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак?

— Тўққиз ёшли Игорь хоккейдан бошқа ҳеч нарсани тан олмайди, — тушунтирди Тер-Ованесян.

— Қизингиз Карина беш ёшга тўлди шекилли?

— Ҳа, бироқ унинг ҳам дастлаб меҳр қўйган спорти енгил атлетикадан анча узоқда. Шашка.

Игорь Тер-Ованесян билан суҳбатни тугатар эканман, сўнгги йигирма йил мобайнида енгил атлетика қанчалик ўзгаргани ҳақидаги фикрини сўрадим.

— Агар бу масалани қисқача қилиб айтадиган бўлсак, умуман олганда, спортчиларнинг маҳорати анча ортди, аммо «юлдуз»лар бирмунча камайди. Бу ҳ.хшими, ёки ёмонлигини таҳлил қилиб ўтирмоқчи эмасман.

Узунликка сакровчи совет спортчилари келажаги ҳақида гап кетганда бош тренер ўринбосари Валерий Подлужний, Владимир Матвеев, Владимир Скибенко номларини тилга олди.

— Ана шуларнинг қайси биридир, менинг рекордимни янгиларди, — дейди Тер-Ованесян. — Ҳар ҳолда тренер сифатида улар бу вазифанинг уддасидан чиқишлари учун қўлимдан келган ёрдамни қиламан.

А. СРЕБНИЦКИЙ,
(АПН).

ЯНА ҒАЛАБА

Тошкентнинг «Автомобилчи» волейбол командаси мамлакат биринчилиги мусобақасини муваффақиятли ўтказмоқда. У кетма-кет учта ғалабани қўлга киритди. Ҳамшаҳарларимиз охирги учрашувда Тула шаҳрининг «Пластик» командаси билан беллашдилар. Қизларимиз майдон эгаларини 3:0 ҳисобида маглуб этишди. Бу билан «Автомобилчи» ўз очколари сонини ўнтага етказди ва турнир жадвалида 7-ўринга кўтарилди. Шу турда бўлган бошқа учрашув натижаларн қуйидагича: «Буревестник» (Ленинград) — «Динамо» (Москва) — 0:3, «Динамо» (Краснодар) — «Локомотив» (Москва) — 2:3.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

СССР футболчилари терма командаси Болгариянинг Пловдив шаҳрида ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Бу ўйин Болгария терма командасининг фойдасига 1:0 ҳисобида тугади. Тўп учрашувнинг иккинчи бўлимида Болгария командасининг ветерани Дерменжиев томонидан киритилди. Совет командасининг ҳужумчилари Никонов, Зиниченко қулай имкониятларни бой бериб қўйишди. Терма командамиз қуйидаги составда ўйнади: Пильгуй, Дзодзуашвили, Хурцилава, Капличний, Ловчев, Васенин, (Веремеев), Колотов, Мунтян, Федотов (Зиниченко), Никонов (Онишченко), Блохин.

СССР ва Болгариянинг иккинчи терма командалари Сочи шаҳрида куч синашди. Бунда СССР футболчилари муваффақиятга эришдилар. 14-минутда Чесноков бурчак белгисидан зарба бериб, мужжлни аниқ олди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●